



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 7 август, № 166 (7946)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖИПС БЎЛИБ, МИНТАҚАНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ИНТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2021 йил 5-6 август кунлари Туркманбоши шаҳрида бўлди.

6 август куни Туркманбоши шаҳри яқинидаги "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислик қилган саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Наталья Герман иштирок этди.

Марказий Осиё улкан геостратегик ва геоиқтисодий аҳамиятга эга минтақа. Бу ерда 74 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг тарихи ва маданияти, мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий инфратузилмаси боғлиқ кетган.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан дўстлик ҳамда яхши қўшничилик тамойилларига таянган ҳолда фаол ва прагматик сиёсат олиб бормоқда. Жумладан, кейинги йилларда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда икки ва кўп томонлама ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тарихан қисқа мuddат ичида Марказий Осиёда принципиал жиҳатдан мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди.

Президентимиз бир неча бор таъкидлаганидек, минтақа мамлакатлари олдида умумий саъй-ҳаракатлар билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдек бош мақсад турибди. Бу мақ-



равий логистика марказларини имкон қадар тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлашга ҳақиқатдан қарайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон келажақда Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар трансфтон йўлига, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль ва темир йўллари имкониятларидан фойдаланиш ниятида.

Шунингдек, санитария талабларига риоя қилган ҳолда транспорт қатновларини тўлиқ тиклаш муҳим экани қайд этилди.

Минтақада миллий иқтисодиётлар ва аҳоли сони ўсиши таъсирида энергетик хавфсизлик масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан умумий энергетика маконини шакллантириш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириш, бунда "яшил энергетика" ва энергия тежамкор технологияларни жадал жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё мамлакатларининг Электр энергетикаси мувофиқлаштирувчи кенгашини фаоллаштириш, унинг мандати ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мамлакатларнинг кенгашидаги вакиллик даражасини оширишни таклиф қилди.

Пандемия шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги муаммолар ўткир тус олганига эътибор қаратилди. Дунёнинг айрим минтақаларида нархлар ўсиши ва асосий озиқ-овқатларнинг етишмовчилиги кузатилаётган.

Давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари кишлоқ хўжалиги вазириларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, биринчи йиғилиш кун тартибига озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича минтақавий тизимни жорий этиш масаласини киритиш таклифини билдирди.



садга эришиш, минтақа салоҳиятини тўла юзага чиқариш, ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Бу ҳаётини ташаббус қардош халқларимизнинг манфаатларига мос бўлгани учун кенг қўллаб-қувватланди ва тезда амалга ошди. Биринчи саммит 2018 йил март ойида Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида, иккинчиси эса 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган эди.

Авазада ташкил этилган навбатдаги уч-

рашуви ҳам гоят муҳим ва мазмунли бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нуктада умумий сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугун минтақамиз яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққий маконига айланиб бораётганини таъкидлади.

— Бу ерда янги сиёсий муҳитни шакллантиришда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг ўрни беқийс. Олий даражадаги мунтазам учрашувларимиз минтақанинг бетақдор салоҳиятини тўлиқ

рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари долзарб масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён этиб, қатор таклифларни илгари сурди.

Бугунги воқелик Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш бўйича қатъий қадамларни тақозо этаётгани таъкидланди. Янги "ўсиш нуқталари"ни, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган янги ривожланиш "драйвер"ларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақа ичидаги савдони кенгайти-

риш зарурлиги, тўлақонли эркин савдо режимида ўтиш мақсадида мавжуд тўсиқларни бартаф қилиш муҳим экани қайд этилди. Саноат кооперацияси, инновациялар ва рақамли технологияларни ривожлантириш ҳисобига қўшилган қийматнинг узун занжирларини яратиш мумкин.

Бунинг учун мамлакатларимиз тадбиркорлари ва худудлари ўртасидаги бево-сита алоқаларни рағбатлантириш, инвестиция ҳамда иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Савдо-

иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги битимини қабул қилиш фурсати келганини айтди.

Марказий Осиёнинг транспорт-транзит салоҳиятини самарали ишга солиш минтақа мамлакатларининг умумий стратегик манфаатларига мос келади. Кенг ривожланган ва интеграциялашган транспорт тизими Евроосиё қитъасининг муҳим транзит "хаб"ига айланишига қодир.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари мавжуд транспорт йўлаклари ва инфратузилмасини, шу жумладан, Каспий денгизи портлари, йирик трансчега-

Бу озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш, шу жумладан, жаҳон бозорига етказиш бўйича аниқ йўналишлар ва қўшма дастурларни белгилаб олишга хизмат қилади.

Пандемияга қарши курашни мувофиқлаштириш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Форум

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИ

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Гендер тенглиги нафақат инсон ҳуқуқини ўз ичига олади, балки жамият учун иқтисодий инкироз ва глобал пандемиялардан тортиб, иқлим ўзгариши ҳамда қашоқликнинг ўсишига қадар замонамизнинг энг долзарб муаммоларининг энгиб ўтиш учун ажойиб имкониятдир.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат

учрашуви билан параллель ўтказилган Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг форумида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Форумда иштирокчилар минтақавий ҳамкорликнинг турли соҳаларида Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари ўртасидаги мулоқотни янада мустаҳкамлаш масалаларини кенг муҳокама қилди.



Дунё нигоҳи

УЧИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви халқаро миқёсда ўз акс садосини берди. Қуйида қатор мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлилий ва илмий-академик доиралари вакилларининг "Дунё" ААга ушбу муҳим учрашув юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Фикр

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Давлатимиз раҳбари Туркменистоннинг "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида нутқ сўзлаб, қатор таклифларни илгари сурди.

Биринчи галда Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш бўйича қатъий қадамларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди. Қолаверса, янги "ўсиш нуқталари"ни, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган янги ривожланиш "драйвер"ларини аниқ-

лаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Бунинг учун мамлакатларимиз тадбиркорлари ва худудлари ўртасидаги бево-сита алоқаларни рағбатлантириш, инвестиция ва иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиб бориш лозимлиги айтилди.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖИПС БЎЛИБ, МИНТАҚАНИНГ БАҲАРАР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ИНТИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланғи 1-бетда).

Шавкат Мирзиёев шу мақсадда тест на-тижалари ва эмлаш сертификатларини тан олиш бўйича ягона ахборот тизимини ишга тушириш, юқумли касалликларни профилак-тика, диагностика қилиш ва даволаш, тиб-биёт ҳодимларини тайёрлаш соҳасида таж-рибали алоқаларни кенгайтириш, фармако-логияда илмий ҳамкорликни ҳамда ҳаётий муҳим дори воситаларини ишлаб чиқаришда кооперацияни йўлга қўйиш тақдирларини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари минтақанинг эко-логик муаммолари ҳамда диққат маркази-да бўлиши кераклигини таъкидлади. Бу борадаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш, Орол денгизи ҳалокатининг оқибатларини юмшатиш бўйича барча чораларни қўриш зарур.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти мамлакатларимизнинг иқлим ўзгаришлари-га мослаштиришга, ресурс тежовчи техноло-гияларнинг яна кенг жорий этилишига хизмат қиладиган "Марказий Осийё учун "яшил" кун тартиби" минтақавий дастури-ни ишлаб чиқишни тақдир қилди.

Ўзбекистон етакчиси минтақамиз ва дунёнинг бошқа йирик минтақалари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш муҳим эканини қайд этди. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтган Марказий ва Жанубий Осийёнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича халқаро конференцияни қўллаб-қувватлагани ва делегациялари унда фаол иштирок этгани учун давлат раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Умумий савб-харакатлар билан ушбу масала борасида БМТ Бош Ассамблеяси-нинг махсус резолюцияси қабул қилини-ши, бу жараёнда БМТнинг Марказий Осийё учун превентив дипломатия бўйича минта-қавий маркази ҳам фаол иштирок этишига ишонч билдирилди.

— Мамлакатларимиз тараққи-тида минтақа аҳолисининг ақса-рият қисмини ташкил этаётган ёшлар муҳим ўрин тутушини бар-чамиз англаб туришимиз. Бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш давом этаётган бугунги кунда Марказий Осийё ке-

лажагининг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимизни ватанпар-варлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялашимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилда Ўзбекистонда Марказий Осийё ёшлари фо-румни ўтказишни тақдир этди. Бу мамла-катларимиз ҳуқуқматлари ва ёшлари ўрта-сида ишонч ҳамда дўстликни мустақамла-ш, интерфаол мулоқотни йўлга қўйиш учун платформа шакллантиришда муҳим қадам бўлади.

Умумий маданий маконимизни янада ривожлантириш халқларимиз қардошли муносабатларини мустақамлашнинг муҳим омилдир.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осийёнинг маданий меросига бағишланган фестиваллар, маданият ва кино кунларини ўтказиш, биргаликда китоблар нашр қилиш муҳим эканини таъкидлади.

Халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қиладиган яна бир омил, бу — туризм соҳа-си. Минтақа ичида сайёҳлар алмашину-вини кўпайтириш учун қўшимча рағбатлар-дан фаол фойдаланиш муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари туризм хизматла-рининг доирасини қамраб оладиган "Бир савҳат — бутун минтақа" қўшма дастурини амалий рўёбга чиқариш тақдирини илгари сурди.

— Бугунги саммит муҳим воека — давлатларимиз мустақиллиги-нинг ўттиз йиллиги арафасида ўтаётгани билан алоҳида аҳамия-т касб этади. Бу йиллар барча-миз учун қийин давр бўлди. Асосий ҳулоса шуки, биргалик-да, жипс бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, олдимизда турган муаммоларнинг ечимига эришимиз, минтақанинг барқарор тараққиёти ва аҳоли фаровонли-гини юксалтиришимиз. Бошқа муко-бил йўл йўқ! — деди Президентимиз.

Минтақавий ҳамкорлик жараёнларига барқарор тус бериш, шу мақсадда "халқ дипломатияси", парламентлар, фуқаролик жамияти институтлари ва медиа соҳаси са-

лоҳиятидан янада кенг фойдаланиш муҳим экани қайд этилди.

— Марказий Осийё аёллари му-лоқоти янада ривожланаётгани, гендер тенглик соҳасидаги глобал мақсадларга эришишга қаратил-ган алоқалар кенгайиб бораётгани олиқайшимиз, — деб таъ-кидлади Шавкат Мирзиёев.

Парламентаризмнинг роли ортиб бо-раётганини ҳисобга олиб, Президентимиз Тошкент шаҳрида Минтақавий парламент форумини ўтказишни тақдир этди.

Уз нутқини якунлар экан, давлатимиз раҳбари Маслаҳат учрашувининг натижа-лари Марказий Осийёдаги биродар халқ-ларнинг кўп қиррали шериклигини янада мустақамлашга муносиб ҳисса қўлишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доира-сида Туркманiston Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимиз етакчиси Туркманiston-нинг "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осийё давлатлари раҳбарлари-нинг навбатдаги Маслаҳат учрашуви юқори даражада ташкил этилганини, минтақавий ҳамкорликни мустақамлашда бу яна бир муҳим босқич бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркманiston Президент-лари икки томонлама ҳамкорликнинг дол-зарб масалаларини, минтақавий ҳамда халқаро даражадаги алоқаларни муҳокма қилди.

Давлат раҳбарлари пандемиянинг қийин даврига қарамай, Ўзбекистон билан Турк-манiston ўртасидаги дўстлик, яхши қўшни-чилик ва стратегик шериклик муносаба-тлари мустақамлашиб бораётганини мам-нуният билан қайд этдилар.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривож-лантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда аввал эришилган келишув-ларнинг бажарилиш ҳолати қўриб чиқилди. Ижобий ўсиш суратларини давом эттириш учун янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, чегара-дош ҳудудлар ва ишбилармонлар ўртаси-даги алоқаларни фаоллаштириш кераклиги таъкидланди.

Транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, Жанубий Осийё ва Жану-бий Кавказ йўлақлари орқали янги ташқи бозорларга чиқиш, шу жумладан, Ашхобод тизимига мувофиқ халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш истиқболлари му-ҳокма қилинди.

Мулоқотда бўлажак олий даражадаги уч-рашувга тайёргарлик масалалари қўриб чи-қилди. Ҳамкорликнинг янги "ўсиш нуқтала-ри"ни топиш, самарали лойиҳа ва шартно-малар тайёрлаш учун яқин вақтларда Ҳуқу-қматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўткази-шига келишиб олинди.

Маданий-гуманитар алоқаларни кен-гайтириш масалаларига ҳам эътибор қар-атилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Турк-манiston Президентлари стратегик шерик-лик муносабатларини халқларимиз фаро-вонлиги йўлида ўзаро ишонч ҳамда хурмат тамойиллари асосида яқин мустақамлаб бориш борасида қатъий эътиборларини таъ-кидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров билан музо-кара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Саидр Жапаровни илк бор Маслаҳат учрашувида иштирок этаётгани билан чин дилдан қутледи ва бу кўп томонлама мулоқот майдони минтақа-миз фаровонлиги йўлида мамлакатлари-миз савб-харакатларини бирлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда, аввало, жорий йил 11-12 март кунлари Қирғиз Республикаси Президенти-нинг Ўзбекистонга давлат ташрифиди чоғида эришилган келишувлар иқросининг бориши батафсил муҳокма қилинди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми қарийб 10 фоизга ортиб, 425 миллион доллардан ошгани мамнуният билан қайд этилди. Иқтисодийнинг устувор йўна-лишларида, ҳусусан, саноат, қишлоқ хўжа-лиги, тўқимачилик, машинасозлик ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бошлаб юборилган. Фаол мада-ний-гуманитар ва ҳудудлараро алмашинув олиб боришмоқда.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, ҳу-

сусан, "Қамбарота-1" гидроэлектр стан-циясини биргаликда қуриш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Қир-ғизистон — Хитой темир йўли стратегик аҳамиятга эга экани, уни қуриш бўйича музокараларни жадаллаштириш муҳимли-гини таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Ўзбекистоннинг минтақада самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш борасидаги амалий савб-харакатларини қўллаб-қувват-лашини билдирди. Давлатимиз раҳбари-нинг Марказий ва Жанубий Осийё ҳамкор-лигини ривожлантириш борасидаги ташаб-буслари минтақамизнинг қардош халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкид-лади.

Барча соҳалардаги алоқаларни изчил ривожлантириш учун олий ва юқори дара-жадаги мулоқотни мунтазам давом этти-ришга келишиб олинди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятда молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Марказий Осийё давлатлари раҳбарла-рининг Маслаҳат учрашуви доирасида Туркманiston Президентлари раҳбарлари-нинг миллий саноат махсулотлари қўрғаз-маси ташкил этилди. Минтақа давлатлари раҳбарлари мазкур қўрғазмани бориб қўрдилар.

"Made in Uzbekistan" экспозициясида мамлакатимизнинг озиқ-овқат, тўқимачилик, автомобилсозлик, чарм-пойабзал, электр техникаси, кимё, фармацевтика, заргарлик ва қурилиш материаллари каби саноат тар-моқлари салоҳияти намойиш этилган.

Қўрғазмдан Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманiston махсулот-лари ҳам ўрин олган. Экспозициялар 8 ми-нг квадрат метрдан зиёд майдонни эгалла-ган.

Президентлар махсулотлар сифатини қўздан кенояб, ўзаро товарлар етказиб бериш, саноат кооперациясини кенгайти-риш бўйича мутасаддиларга қўрсатмалар бердилар.

"Аваза" миллий сайёҳлик зонасида Мар-казий Осийё халқларининг миллий таомла-ри фестивали ва тантанали концерт бўлиб ўтди.

Президентлар дастлаб миллий таом-лар намуналарини қўздан кечирди.

Сўнг Марказий Осийё мамлакатлари санъат усталари иштирокида тантанали концерт дастури намойиш этилди. Фольк-лор-этнографик ансамбллар ва эстрада хонандаларининг чиқишлари замонавий саҳна безаклари билан уйғунлашиб, ажиб манзара ҳосил қилди. Миллий куй-қўшиқ ва рақслар халқларимиз бирлиги, мада-ний яқинлигини яққол намоян этди.

Саммит доирасида "Аваза" миллий тури-стик зонасида Марказий Осийё мамла-катлари Иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Форум иши савдо-иқтисодий ва инвести-циявий, энергетика ҳамда кимё, транспорт-логистика соҳаларида ҳамкорлик бўйича тематик сессиялар шаклида ташкил этил-ди. Ҳар бир сессияда кўп томонлама ҳам-корликни ривожлантиришнинг бугунги ҳола-ти ва истиқболлари муҳокма этилди. Шу-нингдек, минтақа мамлакатлари иқтисоди-ётларининг янги "ўсиш нуқталари"ни аниқ-лашга қаратилган аниқ тақдирлар қўриб чиқилди. Форум доирасида икки томонла-ма учрашув ва музокаралар ўтказилди, қўллаб қўлловлар имзоланди.

Маслаҳат учрашуви доирасида Марка-зий Осийё етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-ти Раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Тадбирда минтақа давлатлари ўртаси-да гендер сиёсати соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, аёлларнинг жамият ҳаёти-даги ролини ошириш масалалари қўриб чиқилди. Анжуман якунида Марказий Осийё мамлакатлари етакчи аёллари форуми дек-ларацияси қабул қилинди.

Марказий Осийё давлатлари раҳбарла-ри Маслаҳат учрашувининг навбатдаги йиғилиши доирасида ўтказилган ушбу тад-бирлар, шунингдек, етакчи аёллар муло-қоти ва минтақа Иқтисодий форуми Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган саммитнинг янги босқичга чиққа-нидан далолат беради.

Шунинг билан Ўзбекистон Республи-каси Президентининг Туркманistonга таш-рифи якунланди.

Ў.А.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЕТАКЧИ АЁЛЛАРИ МУЛОҚОТИ

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚИДАМ

Шунингдек, гендер сиёсати бўйича ҳамкорликни ривожлантириш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ролини ошириш юзасидан тақдирлар ўртага ташланди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДҲ бўйича минтақавий бюроси раҳбари Миряна Сполярч-Эггер ўз нутқида мулоқот бир неча ой олдин иш бошлаганида, у шунчалик муваффақият-ли ва самарали бўлишини тасаввур қилганини айтиб ўтди. Унинг таъкидлашича, Тошкентдаги Аёл-лар бизнес форумидан тортиб, Аёллар мақоми бўйи-ча комиссиянинг маслаҳатлашувлари ва аёллар етакчилиги, низоларнинг олдини олиш ва тинчлик ўрнатиш бўйича давра суҳбатига қадар биргаликда ташкил этилган тадбирлар аёлларнинг ҳаракатла-рини бирлаштириш орқали қанчалик кўп иш қила олиш мумкинлигини қўрсатди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз нутқида 2021 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатаси 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш миллий страте-гиясини тасдиқлаганини алоҳида қайд этди. Ҳужжат заҳирадаги аёлларни махсус дастурлар асосида тизимли ўқитиш, уларни раҳбарликка тайинлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожланти-риш, молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби бир қатор йўналишларни қамраб олган.

Қайд этилганидек, Марказий Осийё давлатла-рини умумий урф-одатлар, тарих, маданият, дин боғлаб туради. Шунингдек, минтақа давлатлари гендер тенглигини таъминлаш, аёллар ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш борасида ўхшаш муаммолар-га дуч келади. Қолаверса, ҳар бир давлатда ген-дер масалаларида, шу жумладан, аёллар тад-биркорлигини ривожлантириш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг жа-моат ишларида иштироки, фан, таълим ва мада-ниятни ривожлантириш борасида илғор тажриба-си мавжуд. Шу маънода, ушбу ижобий тажриба билан бўлиши бутун минтақа аёлларининг ум-умий манфаатларига мос келади.

Форумда нутқ сўзлаган БМТ Бош котибининг Марказий Осийё бўйича махсус вакили Наталья Герман аёлларнинг тўлиқ иқтисодий иштироки-сиз гендер тенглигига эришиш имконисиз экан-лигини билдирди. Жумладан, у аёллар иқтисодий салоҳияти ҳамда иқтисодий ҳамкорлиги минтақа ривожига хизмат қилишига алоҳида урғу қаратди.

Тадбир давомида "Аёллар, тинчлик ва хавф-сизлик" кун тартиби, 2030 йилгача барқарор ри-вожланиш кун тартиби, Глобал мақсадларга эришиш учун ҳаракатлар ўн йиллигига мулоқот-нинг содиқлигини тасдиқлайдиган Марказий Осийё мамлакатлари етакчи аёллари форуми декларацияси қабул қилинди.

Анжуманда мулоқот иштирокчилари ҳамкорли-гини янада кенгайтириш, минтақавий платформанинг самарали ишларини таъминлаш учун ижоб-ий тажриба алмашиш ва Марказий Осийё дав-латлари манфаати учун минтақавий шерикликни чўқурлаштиришга келишиб олинди.

Шунингдек, мулоқот қатнашчилари Марказий Осийё давлатлари раҳбарларига жазобан йўллан-ган Мурожаатномада бу тадбирга алоҳида эъти-бор ва унинг самарали иштини таъминлаш бор-сида яратилган шароит учун миннатдорлик бил-дирдилар.

«Халқ сўзи».

УЧИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ



Андрис АМЕРИКС, Европа парламентининг Марказий Осийё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси вице-раиси:



— Марказий Осийё минтақаси ва Ўзбекистон

унлаб йиллардан буён Европа Итти-фоқининг жуда му-ҳим ҳамкорлари бўлиб келмоқда. Қувонарлики, ми-нтақа давлатлари етакчилари мунта-зам тарзда Масла-ҳат учрашувлари ўтказмоқда. Ушбу тадбирларда амал-га оширилган иш-лар сарҳисоб қилин-моқда, истиқболда-ги режалар тузилмоқда ва бир-галикда ривожланиш ҳамда фаро-вонликни таъминлаш учун яна нималар қилиш мумкинлиги му-ҳокма қилинмоқда.

Бу йилги учрашув кун тарти-бига барқарор ривожланиш, сав-до-сотик ҳажмларини ошириш, энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароит-лар яратиш, транспорт-комму-никация тармоғидаги шериклик-ни кенгайтириш, пандемияга қарши курашиш бўйича савб-харакатларни мустақамлаш ва бошқа долзарб масалалар кир-тирилди.

Саммит натижасида кўп то-монлама муҳим ҳужжатлар, жум-

ладан, давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шу муносабат билан, Европа Иттифоқи Марказий Осийё бар-қарорлиги ва тараққиётини мус-тақамлаш бўйича амалий хара-катларни қўллаб-қувватлайди.

Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учра-шувлари механизминини яратиш 2017 йил БМТ Бош Ассамблея-сида Ўзбекистон Президенти то-монидан илгари сурилган эди. Биринчи саммит 2018 йил бўлиб ўтгани минтақа давлатлари ва улар раҳбарларининг ўз халқ-лари тараққиёти ва фаровонли-

— *Европа Иттифоқи Марказий Осийё барқарорлиги ва тараққиётини мустақамлаш бўйича амалий ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.*

ги учун яқин ҳамда са-марали ҳамкорликка тайёргар-лигини қўрсатди.

Европа парламентининг Марказий Осийё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқа-лар бўйича делегацияси вице-раиси сифатида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Марказий Осийё республика-рининг узоқ муддатли умумий манфаатларига асосланган минтақавий ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишлари-ни янада мустақамлашга қаратилган ташаббусларни ол-қишлайман.

Ильгар ВЕЛИЗАДЕ, «Жанубий Кавказ» сиёсатшунослар клуби раҳбари:



— Каспий денгизи соҳилида жойлашган "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки у минтақа давлатлари дуч келаятган геосийёсий масалалар шароитида ташкил қилинди. Давом этаётган пандемия, Афғонистондаги мураккаб вазият, террорчи тузилмаларнинг фаоллашиши ортида минтақа давлатларининг ташқи сиёсат бўйича одимлари янада аниқ намойиш бўлмоқда. Ушбу савб-харакатлар миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, Марказий Осийёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича ўзаро алоқаларни мустақамлайди.

Саммит кун тартибига асосий соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро муносабатларнинг барқарор механизминини шакллантириш, устувор вазифаларни белгилаш, минтақанинг барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, халқаро жараёнларга интеграциялаш билан боғлиқ кенг қўламли масалалар киритилгани диққатга сазовордир.

Умид қиламизки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев тақдирини билан июль ойида Тошкентда ўтказилган "Марказий ва Жанубий Осийё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" номли юқори даражадаги конференцияда илгари сурилган барқарор коммуникацияларни яратиш ва уларнинг хавфсизлигини самарали ҳимоя қилиш каби ташаббусларни амалга ошириш йўлида ушбу учрашув муҳим аҳамият касб этади.

Макс СЕЙ, «Kingsley Strategic Institute» ижрочи директори:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлат-лар билан муноса-батларни ривож-лантиришининг ўта прагматик страте-гияси Марказий Осийёда мутлақо янги муҳитни ярат-ди ва бу ўз мевасини бера бошлади. Туркманбoши шаҳрида ўтган олий дара-жадаги тадбир шундан далолат бериб тури-бди.

Сканд ТАЯЛ, Ҳиндистондаги «Вивекананда халқаро фонди» таҳлилий марказининг етакчи эксперти, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:



— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осийё минтақасининг барқарор ривожланишини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган барча савб-харакатлар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун минтақа аҳолисининг умид ва интилишларини ўзида ифода қилади. Шунинг билан қайд этиш лозимки, Ўзбекистон раҳбари ўз лавозимига сайланган илк кунлардан бошлаб минтақа мамлакатлари ва раҳбарлари ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича изчил ишларни олиб бормоқда.

Марказий Осийё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган эди. Туркманiston ҳудудида бўлиб ўтган навбатдаги учинчи саммит аввалги учрашувларда эришилган келишувларнинг амалда татбиқ этилишини таҳлил қилиш билан бирга дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро ишонч тамойилларига асосланган муносабатларни янада мустақамлаш ва уларни янги босқичга кўтариш учун замин бўлиб хизмат қилади.

Жорий йил 15-16 июль кунлари Марказий ва Жанубий Осийё минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларига бағишланган Тошкент конференциясининг якунларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу муҳим тадбирда ҳам икки минтақа ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва транспорт йўлақларини ривожлантириш масалалари давлат раҳбарлари учрашуви кун тартибидан муҳим ўрин эгаллади.

Ҳамини, ушбу Маслаҳат учрашуви давомида эришилган келишувлар минтақа мамлакатлари келажаги, Марказий Осийё халқлари фаровонлигини таъминлаш йўлида хал қилувчи аҳамият касб этади.

камайтириш борасида амалга ошири-лаётган чора-тадбирларни алоҳида қайд этишни истайман.

Шу муносабат билан "Марказий Осийё учун "яшил" кун тартиби" минта-қавий дастурининг ишлаб чиқишини ушбу табиий офат оқибатларини юм-шатишга хизмат қилиши, шубҳасиз, деб ўйлайман.

Ўзбекистон раҳбариятининг фақат биргаликда минтақа олдидан турган му-аммолар ечимига эришиш, унинг бар-қарор ривожланишини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мумкин-лиги ҳақидаги қарашларига тўлиқ қўши-ламан.

«Дунё» АА.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ



Шуни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари томони-дан Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги бит-имни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Айтиш керакки, бу ташаббус Мар-казий Осийё

ИСТИҚБОЛЛИ ТАКЛИФЛАР, МАНФААТЛИ ТАШАББУСЛАР

Шу йил 5 ва 6 август кунлари Туркманистонда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учинчи Маслаҳат учрашуви ўзининг мазмун-моҳияти ва эътибори жиҳатидан тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди, десак, айни ҳақиқатдир. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари ҳамкорлигини барча соҳа бўйича янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг минтақамиз давлатларида яшавётган 74 миллиондан зиёд аҳоли ўз ҳаёти ҳамда ён-атрофда бўлаётган ўзгаришлар мисолида кўриб-билиб турибди.

Тахлил ва талқин

Бу йилги Маслаҳат учрашуви ҳақида тўхталганим олдин маъқул мулоқот тарихига бир қур назар ташлаб ўтсак, мақсадга мувофиқ.

Ўдинга бўлса, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиб бориш тақдирини Президентимиз томонидан 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди. Шу билан бирга, 2017 йил 10 ноябрда Самарқандда БМТ шафелигада ташкил этилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам бу масалага уруғ берилган эди.

Шундай қилиб маъқул мулоқот йўлига қўйилди. Шу вақтга қадар 2 та, яъни 2018 йил 15 мартда Остона шаҳрида (ҳозирги Нур-Султон) ҳамда 2019 йил 29 ноябрда Тошкент шаҳрида Маслаҳат учрашувлари ўтказилди.

Ана шу мулоқот самараси ўларок, минтақа давлатлари ўртасидаги яхши кўшничлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий гуманитар соҳаларда ҳамда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш бўйича салмоқли ютуқларга эришиб келинаётганлигини мамнуният билан таъкидламоқчимиз.

Натижада Ўзбекистон билан қўшни давлатлар ўртасидаги chegarалардаги салкам 26 йиллик муаммолар бартараф этилди. Яъни азалдан бир-бири билан аҳил-иноқ яшаб келган, тили, дини ва урф-одати муштарак халқлар ўртасида борди-келди алоқалари тикланди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон давлат chegarалари туташган нуқтаси ҳудудда шартномалар имзоланди. Масалан, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз chegarаларининг 85 фоизи юзасидан келишувга эришди. Тожикистон билан Тўридан-тўри авиа, темир йўл ва автомобиль қатнови тикланди. Амударёдан ўтадиган Туркманобод — Фороб янги темир ва автомобиль йўллари кўприклари ишга тушдирилди.

- иқтисодий ва транспорт коридорларининг самарали минтақавий тизимини яратиш;
- энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва минтақанинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лоиҳаларни рўёбга чиқариш;
- сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, экологик хатарларга қарши курашиш;
- минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалалари кенг муҳожама қилинди.

Маълумки, биргина сув масаласига минтақадаги кескинлик ҳамда ишонсизликни юзага келтирган таҳдид сифатида қаралган эди. Бу муаммага ҳам шу турдаги мулоқотлар орқали ечим топилди.

Энди бевосита Туркманистонда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви ҳақида тўхталганим бўлса, бу мулоқот минтақани барқарор ва иқтисодий ривожланган ҳудудга айлантириш мақсадида йўналтирилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан Маслаҳат учрашувида қатор муҳим тақдирлар илгари сурилди.

Улар куйидагилардан иборат:

- иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш. Бунинг учун эса янги "ўсиш нўқталари" ва узоқ муддатга қаратилган янги ривожланиш "драйвер"ларини аниқлаш;
- Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги битимни қабул қилиш;
- Марказий Осиёнинг транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш. Шунингдек, санитария талабларига риоя қилган ҳолда транспорт катновларини тўлиқ тиклаш;
- умумий энергетика маконини шакллантириш, бунда "яшил энергетика" ва энергия тежамкор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

- Марказий Осиё мамлакатларининг Электр энергетикаси мувофиқлаштирувчи кенгашини фаоллаштириш, унинг мандати ва ваколатларини кенгайтириш;
- минтақа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ва унинг биринчи йиғилиши кўн тартибига озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича минтақавий тизимни жорий қилиш;
- пандемияга қарши курашни мувофиқлаштириш, тест натижаларини ва эмлаш сертификатларини тан олиш бўйича ягона ахборот тизимини ишга тушириш, тиббиётнинг бошқа соҳалари бўйича илмий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш;
- мамлакатларнинг иқлим ўзгаришларига мослашишга, ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этишга қаратилган "Марказий Осиё учун "яшил" кўн тартиб" минтақавий дастурини ишлаб чиқиш;
- 2022 йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш;
- туризм хизматларининг бутун доирасини қамраб оладиган "Бир саяхат — бутун минтақа" қўшма дастурини рўёбга чиқариш;
- Тошкент шаҳрида Минтақавий парламент форумини ўтказиш.

Кўриб турибдики, Президентимиз томонидан илгари сурилган барча тақдир бўғини қўша минтақамиз давлатлари учун бирдек муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода айтилган бўлса, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви ҳам ҳар томонлама фойдали ва манфаатли бўлди. Бунинг самарасини яқин истиқболда барча қўшни давлатлар фуқаролари ўзларининг ҳаёти мисолида кўра бошлайди. Бунга ишончимиз қомил.

Фарҳод БОҚИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ахборот сиёсати ва давлат
органлари оқиллигини
таъминлаш масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари.

Биринчи Маслаҳат учрашувида куйидаги масалалар муҳожама қилинди:

- савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш;
- гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш;
- терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликдаги кураш;
- Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш.

Иккинчи Маслаҳат учрашуви доирасида:

- минтақа давлатларининг умум-маданий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш;
- минтақа давлатлари ўртасидаги савдо тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини янада кўчатириш;

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Тинчлик — буюк неъмат, тараққиёт ва фаровон ҳаётнинг бирламчи шарт. Эзгу мақсадларнинг рўёби, энг аввало, ушбу неъматга боғлиқ. Шу боис қадимдан барча халқлар тинчликни асраш учун молимо жони билан курашиб келган.

Тинчлик қарор тогган юртда хотиржамлик ҳукм суради, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига ишонч ҳамда садоқатлари, меҳр-муруватларининг самимий бўлиши ҳам, асосан, хотиржамлик туфайлидир.



Хазрати Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида: "Икки неъмат борки, кўпчилиги инсонлар унинг қадрига етмайди. У — хотиржамлик ва сихат-саломатлик" (Имом Бухорий ривояти), деб марҳумат қилганлар.

Пайғамбаримиз соллалоху алайҳи васалламдан саҳоба кўпроқ нимани дуо қилиб сўрашни савол қилганда, Набий алайҳиссалом: "Аллоҳ таолодан офият (тинчлик, хотиржамликни суранлар)", деб айтган сўзлари бу неъматлар нечоғли муҳим эканига далолат қилади. Яна бир ҳадиси

зиммасига бурчдир. Ёши улур нуруний отахон ва онахонларимиз ушбу икки улур неъматини мустаҳкамчилигини сўраб дуо қилиши, ёшлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, жонқурялиги, уни ҳимоя қилиш учун астойдил бел болашлари билан бу неъматнинг шукрини адо этган бўлаемиз.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган олада ҳаётни асраш, унинг барқарорлигига нуносиб ҳисса қўшиш — шу азиз Ватанда яшавётган барча фуқаронинг, қайси миллат ва динга мансублигидан, қандай касб-кор билан шуғулланишидандан қатъи назар, ҳар бировининг энг асосий вазифамиздир.

Аллоҳ таоло юртимиз тинчлиги ва хотиржамлигини барқарор ва бардавом, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилсин.

Ҳамиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон муслмонлари
идораси раисининг биринчи ўринбосари.

Мушоҳада

Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашишни замон андозаларига мос ҳолда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чўки глобаллашув жараёнлари юқори суръатда кечаётган бугунги давр инсон онгу қалбига қаратилган таҳдидлар, дин никоби остидаги ахборот буручлари тобора кўчяйиб бораётгани билан ғоят мураккаб ва таҳликалидир.

Баъзи юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ўзлари билиб-

билмай турли диний оқимлар, ақидапараст кучлар таъсирга тушиб қолаётгани ҳам сир эмас. Бунда уларга етарли диний билимларга эга эмаслиги, ғўрлиги, муқаддас динимизнинг асл моҳиятини тўла англамаслиги панд бермоқда.

Ислол динида тинчлик олий неъмат экани ҳақида кўп бор таъкидланган. Аллоҳ таоло Куръонни қаримда тинчликни сақлаш ва қадрлашни зимманига юклаб, бундай дейди: **"Эй, имон келтирганлар! Ёлпасига тинчлик ишига киршингиз!"** (Бақара сура-си, 208-оят).

Шундай экан, инсонлар на-фақат мавжуд тинчликнинг қадрига етиб, шукрини адо этишлари, балки унга ношукрлик қилиб пуғур этказишдан ҳам сақланишлари лозим.

Тинчлик ва хотиржамлик амалий шукр талаб қиладиган неъматлардан. Бу неъматнинг шукрини адо этиш барчанинг

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Маълумотларга кўра алкоғолли ичимликлар истеъмоли натижасида ҳар йили дунёда 3,3 миллион одам ҳаётдан кўз юмади. 20 — 39 ёшдаги одамлар орасида барча ўлмининг тахминан 13,5 фоизи алкоғол истеъмоли билан боғлиқ. Ҳар 6 сонияда тамакидан тахминан битта одам, ҳар йили 65 минг бола иккиламчи тамаки тутуни таъсирига боғлиқ касалликлардан вафот этади.

АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАРҚАТИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАНДАЙ ЧЕКЛОВЛАР ЎРНАТИЛАЙТИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси "Алкоғол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш" мавзусида тадбир ўтказди.

Унда иштирокчилар "Алкоғол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қўнун лойиҳасидаги нормаларни атрафна кўриб чиқди. Қўнун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишга тайёрганмоқда.

Мамлакатимизда алкоғол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш борасида қатор қўнун ва норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, уларнинг амалиётда ижро этилиши ҳолати қони-карли даражада эмас.

Амалдаги қўнун ҳужжатларида тамаки маҳсулотини реализация қилиш юридик шахслар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Лекин қўнундалик ҳаётда бўлган маҳсулотнинг чакана савдоси билан ақсарият ҳолатларда ақка тартибдаги тадбиркорлар ноқонуний шуғулланмоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, қўнун лойиҳаси билан алкоғол ва тамаки маҳсулотлари, тамаки ҳамда никотин истеъмол қилиш учун мосламаларни реализация қилишга доир чекловлар кенгайтирилмоқда.

Хусусан, бундай маҳсулот ва мосламаларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларга ва йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар томонидан савдо автоматлари орқали, электрон тижорат ша-

кунда (маҳаллий кўпикланадиган ва табиий вино-лардан бундан мустасно), сайёр ва тарқатма (қўлда, лотокларда, саватчаларда, аравачаларда) савдо йўли билан истеъмол ўривода йигирма донадан кам сигарета бўлса, реализация қилиниши тақиқ-лаш қўзда тутилмоқда.

— Қўнун лойиҳаси билан алкоғол ва тамаки маҳсулотлари, тамаки ҳамда никотин истеъмол қилиш учун мосламаларни сотаётган сотувчи қўри-ниши йигирма ёшдан кичик қўринган харидордан унинг шахси ва ёшини тасдиқловчи ҳужжати кўр-сатишни талаб қилиши, ҳужжат мавжуд бўлма-ган тақдирда эса бундай маҳсулотлар ва мосла-маларни сотишни рад этиши шартлиги белги-ланмоқда, — дейди Қўнунчилик палатаси депутати Қўзилгул Қосимова. — Бундан ташқари, лойи-ҳада алкоғол ва тамаки маҳсулотларини исте-теъмол қилиш мумкин бўлмаган жамоат жойла-рининг аниқ рўйхати кўрсатилиб, чеклиш учун аж-ратилган махсус жойларга минимал талаблар бел-гиланмоқда. Ушбу қондаларнинг ижро этилиши таъминлаш учун махсус шахслар мажбурият-лари аниқланмоқда. Алкоғол ва тамаки махсу-лотлари ишлаб чиқарувчиларининг мажбурият-лари белгиланмоқда. Тамаки маҳсулотининг исте-теъмол ўривига (қўтисига) тиббий оғохлантириш-ларни жойлаштириш учун ажратилган майдон юзаси 40 фойздан 65 фоизга оширилмоқда.

Тадбирда қўнун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан қатор тақдирлар берилди. Ушбу тақ-дирлар депутатлар томонидан атрафналик йўр-ганилиб, лойиҳада ўз аксини топадиган бўлди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қўнун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш юзасидан ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Унда Ички ишлар ва Адлия вазирликлари ходимлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи вакиллари, Ёшлар парламенти аъзо-лари иштирок этди.

Қўнун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида асосий эътибор биринчи ўқишда фракцияларда, Қўнунчилик палатасининг янги мажлисида ўртага ташланган саволлар ва тақ-дирларнинг қўнун лойиҳасида акс эттириш, кир-тирилмаган ўзгариш ва қўшимчаларни ама-лиётда қўллаш ҳамда қўтилаётган натижалар муҳожама қилинди.

Қўнун лойиҳаси 8 моддадан иборат. Ушбу лойиҳа билан "Воёга етмаганлар ўртасида на-зоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профи-лактикаси тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомий-лик тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарлик профилакти-каси тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиё-сати тўғрисида"ги ҳамда "Болаларни уларнинг соғ-лиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қўнунларга ўзгариш ва қў-шимчалар киритилимоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимларининг ваколатлари ҳамда вазифалари белгиланмоқ-да. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оши-

риш тизимини такомиллаштириш ва Ёшлар иш-лари агентлигининг ваколатларини ҳуқуқий жи-ҳатдан белгилаш назарда тутилган.

Тадбирда қайд этилганидек, лойиҳа бўйича Германия, Россия, Франция, Буюк Британия ва қўшни мамлакатлар тажрибаси ўрганилганда тақдир этилаётган ўзгаришлар ижобий натижа бергани кутилган.

— Қўнун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзе-бекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентли-гининг ёшларга оид давлат сиёсати, ёшлар-нинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги про-филактикаси, васийлик ҳамда ҳомийликдаги йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя-си, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказу-вчи ахборотдан ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан белгилани-шига ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амал-га ошириш тизимини такомиллаштиришга хиз-мат қилади, — деди Қўнунчилик палатаси депутати Умид Раҳмонова.

Йиғилишда билдирилган ҳар бир тақдир атрафналик ўрганилиб, ишчи гуруҳ томонидан лойиҳага сингдирилмаган бўлди.

Мунискон КАРИМОВА.

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Қўнунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг ўзагини ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқ ва тавсиялар асосида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Чўнунчи, оғир, олис ҳамда чегара ҳудудлардаги 55 та маҳалла танаб олгинди. Уларда маҳаллабай тизимини жорий этиш бўйича амалий ишлар бажарилляпти.

Сектор фаолиятига бир назар...

Хусусан, вилоят иккинчи сектори томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига илова сифатида тасдиқ-ланган вақтинчалик тартибга асосан "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган фуқаро-ларга ҳамда эҳтиёжманд оилаларга ман-зилли ёрдам кўрсатиш бўйича "Йўл харитаси"га белгиланган вазифалар ижро-си таъминланмоқда.

2-сектор ҳудудларида ва горизонтал йўна-лишда Бухоро, Ромитан ва Пешку туман-ларида ишлар маҳаллабай тизими асосида таш-кил қилинди.

«Темир дафтар» рўйхатидан чиқарилди

Пандемия шароитида ҳар бир эҳтиёжманд оилага гамурлик кўрсатиш Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг ус-тувор йўналишларидан бирига айланди. Бу хайрли юмушга ҳисса қўлиш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Жўла-дан, пандемия шароитида прокурорлар сек-торларидаги 1686 та эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат, дори-дармон, чорва ҳамда 324 мил-лион сўм пул маблағлари моддий ёрдам сифатида берилди.

Шунингдек, азиятка яқин оилаларнинг ко-мунал соҳада табиий газ, электр энергия, шунингдек, ичимлик сувидан бўлган қарздор-лиги тўлаб берилди. Жорий йилнинг олти ойи давомида "темир дафтар"да рўйхатга олинган оилаларнинг 780 нафарга яқини иқти-содий, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, қури-лиш комплексларига доимий ишга жой-лаштирилди.

Чўнунчи, озиаб фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш йўналишидаги фаолияти қў-нунлаштирилди, ҳақ тўланадиган жамоат иш-

ларига жалб қилинди. "Ҳар бир оила — та-дбиркор" дастури доирасида кредит ажратил-ди, шунингдек, бошқа йўналишдаги фаолият турларида йўналтириш орқали бандлиги таъ-минланди.

Шу ўринда бир мисол. Когон туманидаги "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳуд-дида яшовчи, "темир дафтар"га киритилган С. Мустафоева хонадонига 25 бош парранда ажратилди, оиланинг табиий газдан бўлган 1,5 миллион сўм микдоридagi қарздорлиги қоплаб берилди. Бундан ташқари, фуқаро ту-ман тиббиёт биноларида томонидан тўлиқ тиббий қўриқдан ўтказилиб, ногиронлик ара-вачаси билан таъминланди.

Ҳудди шу каби сектор бўйича 72 та эҳти-ёжманд оиланинг уй-жойи қайта реконстру-кция қилинди, капитал таъмирланди. Қўр-сатилган амалий ёрдамлар натижасида про-курорлар секторларидаги "темир дафтар"га киритилган оилалардан 1192 таси рўйхатдан чиқарилди.

«Кечагина ишсиз эдим. Бугун эса...»

Когон шаҳрида яшовчи М. Идиева та-дбиркорлиқни бошлаши учун бую бино ажра-тилди ва имтиёзли кредит олиш учун ама-лий ёрдам берилишини сўраб мувожаат қил-ганди. Мувожаат тўлиқ қаноатлантирилди. Ёш тадбиркорга "Бухорои Шариф" МФЙ ҳудуд-дан бую бино ҳамда саргарошиқ фаолияти-ни бошлаш учун имтиёзли кредит ажратилди.

— Кечагина нима иш қилсам экан, деб юргандим. Бугун эса тадбиркорман. Оилам-га нафим тегапти, — дейди у.

Бу мисолни бежиз келтирмадик. "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш ва йигит-қизлар-ни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бо-расида ўтказилган хатлов натижаларига кўра,

2-секторда мавжуд 95 минг нафарга яқин ёшлардан 5,6 фоизиди бандлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар қайд этил-ган. Биз шу йўналишда аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Натижаси эса кўзга ташланиб қолди.

Жорий йилнинг 6 ойида прокурорлар сек-торига 4840 нафар ёшнинг бандлиги таъ-минланди. Жойларда ташкил этилган маҳал-лабай иш тизими асосида ёшлар билан у-рашувлар ўтказиш ҳам дуруст самара бер-моқда. Бундай тадбирларда йигит-қизлар бил-лан самимий мулоқот қилинапти. Уларнинг орзу-ниятлари, имкониятлари ўрганилмоқда. Айнан шундай учрашувлар пировардига 2822 нафар ёшга тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, ривожлантириш учун 61,7 мил-лиард сўм микдорда кредит ажратилди. Бу, ўз навбатида, 2800 дан ортиқ иш ўринлари яратилишига асос бўлди.

Мисол учун пешкулик М. Фахривевага ўзини ўзи банд қилиш учун тижорат банкидан пар-рандачилик йўналиши бўйича 30 млн. сўм, Г. Ёриқуловага асарчилик соҳасида ўз биз-



несини йўлга қўйиши учун 29,7 млн. сўм кре-дит ажратилди. Шофирконлик Д. Хидировга эса меъбел ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 25 миллион сўм кредит олиб берилди. Натижада у нафар ёшнинг бандлиги таъ-минланди. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Амалий тадбирлар ва яқка тартибда ўтқа-зилган субўятлар давомида "ёшлар даф-тари"га киритилган 745 нафар йигит-қиз ўз со-ҳаси ҳамда касби бўйича доимий ишга жой-лаштирилди. Мухими, иккинчи сектор бўйича 4 минг 800 нафардан зиёд ёшларнинг муам-молари ҳал этилди.

У ҳеч қачон ўз кадр қимматини йўқотмайд

Китоб — бебаҳо ҳазина. У ҳеч қачон ўз қадру қимматини йўқотмайди. Биз давлати-миз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббус доирасидаги тадбирларда шу ҳақиқатни ёшлар онгу шурига сингдиришга ҳаракат қилляпти. Чўнунчи, китобга қизиқти-риш орқали ёшларнинг бую вақтларини маз-мулни ўтказиш мақсадида маҳалла, туман, вилоят босқичидан иборат "Вилоят 2-сек-тори жаҳоҳири" танлови ўтказиб келинмоқда.

Энг қувончлиси, бу ўзига хос танлов иш-тирокчилари сафи тобора кенгайилмоқда. Дей-лик, февраль ойида 2000 нафар, март ойида 6200 нафар, апрель ойида 7130 нафар, май ойида эса 9450 нафар ўғил-қиз танловда қат-наш иштироки билдириди.

Бундан ташқари, ёшларни китобхонликка кенг жалб қилиш бўйича сектор ҳудудидagi 209 та аҳоли гавжум жойларда QR қодли плакатлар асосида электрон қўтубхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Шофиркон туманидаги "Мирзокул" МФЙ ҳудудида эса 5 мингта адабиётни ўзда му-жассам қилган "Кўча кутубхо-наси" ташкил этилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Вило-ятда уюшмаган ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва уларни ҳаётда ўз ўрнини топиши учун му-носиб шароитлар яратиш эъти-боримизда.

Хусусан, "Спортни сев, спорт билан яш" шiori остида ба-дий гимнастика ҳамда шахмат ва бошқа бўйича вилоят проку-рори кушбоқ, миллий кураш бўйи-ча мусобақа, шу спорт тури бўйи-ча фестивал ўтказилди. Усмир-лар ўртасида футбол, баскетбол мусобақалари уюштирилди.

Ҳар бир масала — эътиборда

Шофиркон туманидаги Чиптарон қишлоғи-да яшовчи Гулном Раҳмонованинг рўзаги-ра эста-секин барака қирмоқда. Гап шун-даки, туман 2-сектор раҳбарияти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож бу аёлга бир сотили и-ссиҳона куриб берилди. Гулном опа помидор етиштириб, рўзгор каму қўстини тўлдирди. Мухими, томорқадан қандай қилиб яқши даромад олиш қўннимасига эга бўлди.

"Аёллар дафтари"га киритилган 5994 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига қўмақлаштириш, айниқса, эҳти-ёжмандларни қўллаб-қувватлашда масаланинг ана шу

ЯНГИ ДАВРГА МОС РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҶА



Мамлакат тараққийтини белгилувчи омиллар орасида қурилиш соҳаси ҳам алоҳида ўрин тутди, албатта. Зеро, тинч-осойишта, жадал ривожланаётган юрдагина бунёдкорлик ишларида катта эътибор қаратилади. Шукрки, Ўзбекистон шундай мамлакат. Бугун юртимизнинг ҳар бир худудида, туман марказларида катта-катта иморатлар барпо этиляпти. Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишламоқда. Айниқса, аҳолини арзон ва қулай тураржойлар билан таъминлаш бўйича

мақсадли дастурлар доирасида намунали кўп қаватли уйлар, маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар қуриляптики, булар ҳудуд инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қиляпти. Президентимиз Фармони асосида 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи яқшанбаси "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини" сифатида нишонлаб келинаётгани эса нафақат ушбу тармоқ кадрлари меҳнатини қадрлаш, балки мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар бардавом эканлигидан далолатдир.

Андижон вилоятида умумий майдони 4 минг гектар бўлган Янги Андижон шаҳрига асос солиномоқда. Шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, санаят зоналари, хизмат ва сервис объектлари қурилади. Яна қарийб шунча майдонда яшил ҳудуд барпо этилмоқда.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 та босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 3 310 та квартиралар 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 680 ўринли мактаб, 385 ўринли боғча, 200 қатновли поликлиника қурилади. Шаҳар қурилиши даврида 10 мингдан ортиқ, кейин эса санаят, савдо, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларида жами 100 мингга яқин доимий иш ўринлари яратилади.

Бугун ҳар бир вилоятда ана шундай улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Бундан кўришиб турибдики, мамлакатимизда йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишга, осмонлар биноларини тез ва сифатли барпо этишга қодир бўлган қурилиш индустрияси шаклланди, соҳа ходимларининг тажрибаси, малакаси юксалди. Қисқача айтганда, Ўзбекистоннинг қурилиш тизими янги даврга мос тарзда янгиланди.

2 011 таси — ижтимоий соҳа объектлари. Бу эса чекка-чекка қишлоқлар ҳам шаҳардан қолишмайдиган шароитларга эга бўляпти, дегандир.

Шунингдек, жорий йилда жами 2 749 та ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган бўлса, мамлакатимизнинг барча худудида 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш вазифаси белгиланди. Жумладан, давлат дастури асосида 45 минг хонадонли уйлар қуришда ҳам соҳа ходимлари катта матонат кўрсатиляпти.

Қурилиш соҳасида ўзгаришларга мос муносабатларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу боис бугун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, Қурилиш вазирлиги таркибида Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳамда 14 та ўрта ва 3 та ўрта махсус таълим муассасалари фаолият юритмоқда.

Ўтган беш йил давомида Қурилиш вазирлиги таркибидаги олий таълим муассасаларини 10 467 нафар талаба битириб, ўз соҳаси бўйича ишга жойлашгани ҳам диққатга сазовордир. Шу билан бирга, ҳудудларда 13 та, шундан Қурилиш вазирлиги таркибидаги профессионал таълим муассасалари ҳузурда 9 та қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш маркази ташкил этилганлиги, буларнинг барчаси тармоқ келажаги учун мустаҳкам замин яратиши, шубҳасиз.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

Бетакорор иншоотлар — юрт кўрки

Айтиб ўтганимиздек, кейинги йилларда қад рўстлаган таълим муассасалари, шифоналар, йирик заводлар, уй-жойлар, йўллар ва кўприклар каби замонавий иншоотлар жуда кўп. Жумладан, йилга 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқариш қувватига эга, умумий қиймати 420 миллион АҚШ долларига тенг бўлган Тошкент металлургия заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу қурилиш материаллари, машино-техника, электротехника ва озиқ-овқат санаятидаги юзлаб корхоналарнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини беради. Вақоланки, илгари бундай махсулотлар четдан олиб келинardi.

Тахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси ҳаётга татбиқ этиляпти. Ўтган йили ушбу йўлнинг муҳим қисми бўлган Кўпчўк кўчасидаги кўприк очилган эди. Бугунги кунда ушбу кўприкдан Чўпонота кўчасигача янги йўл ва йўлўтказгичлар барпо этиляпти.

Кичик халқа йўли ва Салор канали устида қурилаётган кўприкнинг узунлиги 788 метр, чиқиш-тушиш қисми билан ҳисоблаганда 950 метр. Ўзига хос муҳандислик ечимига эга бу иншоот монолит услубида, бетон аралашмаси ичидаги темир тўқималарини тараф торттиш технологияси асосида бунёд этилмоқда. Олти қаторли янги кўприк ва йўл соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади.

Бундан 5-6 йил аввал мамлакат бўйлаб замонавий "сити"лар қурилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Мана, бугун нафақат пойтахти-

мизда, балки вилоятларда ҳам замонавий шаҳарчалар бунёд қилинди ва бу жараёнлар давом этиляпти.

Урганч шаҳрида буюк саркарда Жалолиддин Мангубердиннинг баландлиги 25 метр, оғирлиги 50 тонналик ҳайкали ўрнатиляпти ва бу жойдаги майдон остидан ёпиқ қисми 260 метр, очик қисми 240 метр бўлган ер ости йўли барпо этилмоқда.

Самарқанд вилоятида шу вақтга қадар баландлиги 12 қаватдан юқори бўлган бинолар қурилмаган. Ўтган 2-3 йил мобайнида Қорасув мавзесида 16, 15, 14 ва 12 қаватли жами 116 та тураржой қурилди. Жорий йилда яна 7 та 16 қаватли, 2 та 25 қаватли уйлар бунёд этилаётди.

Самарқанд халқаро аэропортида бир соатда минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлган янги терминал, узунлиги 3 105, эни 60 метр бўлган ўқиш-қўниш йўлиги, тураргоҳ ва бошқа объектлар барпо этилиб, замонавий қиёфага келтирилди.

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ

қурилиш соҳасида самарали меҳнат қилаётган барча ходимларини касб байрами билан муборакбод этади.



Бугун она Ўзбекистонимиз катта қурилиш майдонига айланиб, чин маънода, янги қиёфа касб этмоқда. Бу жараёнларда, албатта, моҳир курувчи ва муҳандислар, уста ҳамда меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари, минг-минглаб бунёдкор инсонларнинг машаққатли меҳнати мужассамдир.



Ниятимиз — бунёдкорона меҳнатимиз, эзгу саяъ-ҳаракатларимиз юртимизга, ҳар бир хонадонга бахт ва омад олиб келсин!

Касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз қурувчилар!



«Халқ сўзи».

ЭЪЛОН

«TOSHKENT IEM» AJ, 2021-yil 20-avgustdan boshlab «Toshisqiquvati» DUK ulgurji iste'molchisi uchun yetkazib beriladigan issiqlik energiyasi uchun tarif quyidagicha bo'lishini xabar qiladi:

I guruh uchun QQS bilan birga — 142 600 so'm 1 Gkal. *

II guruh uchun QQS bilan birga — 142 600 so'm 1 Gkal. *

«TOSHKENT IEM» AJ xabar berishicha, 2021-yil 20-avgustdan boshlab «O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» AJ ulgurji iste'molchisi uchun yetkazib beriladigan elektr energiyasi tariflari quyidagicha bo'lishini xabar qiladi:

elektr energiyasi uchun QQS bilan birga 184.7 so'm 1 kVt./s *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот сисъати ва давлат органларида оқиқдикни таъминлаш масалалари кўмитаси мазкур кўмита аъзоси, сенатор Зиё Азамат Ҳамид ўлига волидан муҳтарамаси
САОДАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 136 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанимиз отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанимиз полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 04.00 Топширилди — 05.15 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши